Гос. книжная палата УзССР
1-60795

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 1 июль, шанба. №78 (21.841.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Ўзбекистон меъморлари уюшмасининг 60 йиллиги муносабати билан Сизларни — мамлакатимизнинг барча меъморларини самимий табриклайман.

Халқимиз маънавияти тарихида меъморлик анъаналари алоҳида ўрин тутади. Дунёга маълум ва машҳур Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларимиз билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Юртимиз обидалари каби ноёб меросга муносиб ворис бўлиш, аждодларимизнинг анъаналарини изчил давом эттириш ва ижодий ривожлантириш ғоят қийин ва масъулиятли вазифа эканини яхши тушунасиз, деб ўйлайман.

Яқин ўтмишда миллий анъаналарга эътибор сусайиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси деярли бир тусга кириб қолганини сиз, меъморлар мендан ҳам яхшироқ биласиз. Эндиликда бу хатоларни тузатиш пайти келди. Негаки, мустақил юрт ижодкор зиёлиларининг, шу жумладан, меъморларининг ҳам онги ва тасаввури мустақил бўлмоғи керак.

Келажаги буюк Ўзбекистонимизга муносиб, кўркам ва гўзал бинолар, истироҳат масканлари, гузар ва майдонларнинг энг замонавий, айни пайтда миллий анъаналарга асосланган янги намуналарини яратасизлар, деб умид қиламиз. Бу — замон талаби, халқимиз талаби.

Барчангизга сиҳат-саломатлик ва ижодий ютуқлар тилайман. Юртимиз ҳар доим обод ва жозибали бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

29 июнь куни Тошкентда республикамиздаги йирик иқтисодчи олимлар, давлат бошқаруви органлари вакиллари, иқтисодий мавзуда қалам тебратувчи журналистлар иштирокида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



Суҳбат иштирокчилари Президент китобида белгилаб берилган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги устивор йўналишлар хусусида фикр алмашдилар.

Давра қатнашчилари бир овоздан мазкур китобни мустақил Ўзбекистон иқтисодиёти тарихидаги ўзгаришларга чуқур шарҳ берувчи мукаммал асар ҳамда зарур қўлланма, дея баҳоладилар. Зеро, унда мамлакатимизда кейинги йилларда рўй бераётган чуқур иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг назарий ҳамда амалий асослари кенг таҳлил этилган, иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ кўрсатиб берилгандир.

Давра суҳбати иштирокчилари китобнинг яна бир муҳим хусусияти — унда кишилар онгидаги маънавий ўзгариш, янгиланишга алоҳида эътибор берилганига қаратди. Дарҳақиқат, китобда таъкидлангандек, халқнинг маънавий-руҳий тикланиши иқтисодий ислоҳотларнинг негизини ташкил этади.

Суҳбат чоғида китобнинг иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқларига бағишланган қисми ҳақида фикр юритилар экан, бу борада эришилган ютуқлар эътироф этилиб, ҳал этилмаган муаммоларни бартараф қилишга оид мулоҳазалар ҳамда таклифлар билдирилди. Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг устивор йўналишлари — хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш, макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, миллий валюта қадрини ошириш ҳамда чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш учун қандай вазифаларни амалга ошириш кераклиги ҳақида фикр алмашилди.

Республика вазирликлари ва идоралари вакиллари ҳамда таниқли олимлар журналистларнинг ислоҳотларни амалга ошириш жараёнидаги тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга доир кўплаб саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари А. Азизхўжаев, Х. Жўраев, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

(ЎзА).

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КИМ ЕН САМ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Шу йил 29 июнь куни Сеул шаҳрида юз берган бахтсиз ҳодиса натижасида фуқаролар фожиали ҳалок бўлгани тўғрисидаги хабар Ўзбекистон халқини чуқур қайғуга солди.

Ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларининг оғир жудолик туфайли чекаётган қайғусига шерикмиз.

Ўзбекистон халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Сиз орқали Корея Республикаси халқига, ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига самимий ҳамдардлик билдираман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми бўлди. Уни Олий суд раиси У. Мингбоев бошқарди.

Пленумда судялик лавозимига янги тайинланган судялар тантанали қасамёд қилди.

Пленум қатнашчилари шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланган кишилар берган қасамёдига ҳамиша содиқ бўлиб, Ватани ва халқига сидқидилдан хизмат қилиши, одил судловни амалга оширишда зўр қатъият кўрсатиши зарурлигини таъкидладилар.

Шунингдек, пленумда республика Олий суди фаолиятига оид бир қанча бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Пленумда республика Бош прокурори Б. Мустафоев қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИНИНГ МУОМИЛАГА КИРИТИЛГАНИГА БИР ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

БЎЙИНГДАН ЎРГИЛАЙ, ЎЗБЕКНИНГ СЎМИ

100
Banque de France
UT0066249
1994

Миллий давлатчилигимизнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланмиш сўмнинг муомилага киритилиши билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи бошланган эди. Бинобарин, бу даврда иқтисодий ҳаётимизда юз берган барча муҳим ўзгаришлар бевосита ва билвосита сўм билан боғлангандир. Шунинг учун бугун биз ўтган қисқа вақт мобайнида миллий валютамиз ўзининг тарихий миссиясини қандай бажарди, деган масалани кўндаланг қўйишга ҳақлимиз.

Матбуот хабарларидан маълумки, кўпгина хорижий мутахассислар ўзбек сўмининг бир йиллик бўй-бастига ижобий баҳо бермоқдалар. Буни тушуниб олмоқ учун миллий валютамиз муомилага киритилган пайтдаги вазиятни хаёлан ёдга оламиз.

Пул машинасини ва шу орқали иқтисодий мурватларни бошқариб турган Россия собиқ совет пулини муомиладан чиқариб, ўз рублини жорий этди. Кейин, ён қўшниларимиз Қирғизистон, Туркманистон ва Қозоғистон Республикалари ҳам кетма-кет миллий валюталарини чиқардилар. Бизда эса оралиқ пул — сўм-купон ишлай бошлади. Ҳамма унинг вақтинчалик эканини билар ва шу сабабли сўм-купон жуда тез қадрсизланиб борди. Шундай вазият вужудга келдики, мутахассислар, ишбошилар, ҳокимлар ҳақиқий миллий валютамизни жорий этиш кераклигини очиқ эътироф эта бошладилар. Шу боис сўмнинг муомилага киритилиши катта Ўзбекистон оиласида кўпдан кутилаётган фарзанднинг эсон-омон дунёга келишидек шодон бир кайфият уйғотди. Ҳамма «ҳайриятей» деб енгил нафас ола бошлади ва шу «чақалоқ»нинг тезроқ суяги қотиши учун енг шимариб ишга киришди. Ўзбек сўмининг бугунги бўй-бастини аввало ана шу ҳамжиҳатлик самараси деб баҳоламоқ керак.

Миллий валютамизнинг бугунги салоҳиятини аниқ ҳис этмоқ учун тасаввурларимизга бироз эрк берамиз. Собиқ СССР харитасини кўз олдингизга келтиринг. Унда Россия бепоён ҳудудни эгаллаб ётибди. Дастлаб ўзбек сўми ана шундай чексиз иқтисодий-табиий имкониятларга эга бўлган қудратли Россия рубли билан юзма-юз бўлди. Сабабки, республикамиз саноати, асосий олди-бердимиз аввало шу мамлакат билан чамбарчас боғланиб кетган эди. Очиқ тан олиш керак, дастлабки ярим йилликда Россия матбуотида ҳафта сайин эълон қилиб турилган валюта курси бўйича ўрис банки ҳисоботномаларида сўмимиз ҳақида деярли ҳеч гап бўлмади. Қандай омиллар ишга тушгандан кейин мазкур банк маълумотларида ўзбек сўмининг нисбий курси берила бошлагани ҳақида мутахассислар ўз фикрини айтар. Аммо шахсий кузатишларимиз бўйича, «қора бозор»да минг ўрис рублининг ўзбекча баҳоси ўн сўмдан ошмай қолгандан кейин Россия банкирлари бизнинг пулимиз билан ҳисоблаша бошладилар. Мана бугун ўша мингта-ўн нисбати бозорда тенг ярмига қисқарди. Тарозининг палласи сўмимизнинг фойдаси томон оға бошлади. Бизнинг бу фикримизга, ёки пул алмаштириш пунктларининг таклифига шубҳангиз бўлса, марҳамат бозорга чиқинг. Россия рублини сотиб олишга талабгорларни кундузи чироқ ёқиб зўрға топасиз.

Энди дунёдаги барча валюталар курашиб келган асосий ҳариф — АҚШ доллари ҳақида. Ҳозир долларнинг бозор баҳоси билан банкларда сотилаётган баҳо бирбирига тенглашди. Бугундан эътиборан банкларимиз истаган кишига исталган миқдорда доллар сота бошлайди. Буни ҳам миллий валютамизнинг бир йил ичида қозонган энг катта ғалабаси деб баҳоламоқ жоиздир.

Ўтган йилнинг охирида, яъни сўм муомилага киритилгандан кейинги олти ойда Марказий банк ўтказган савдода доллар йигирмага — бир нисбатда сотилган бўлса, бу кўрсаткич бозорда 45 сўмгача кўтарилган эди. Мана бугун бир доллар ўттиз сўмнинг нари-берисида баҳоланмоқда. Тижорат банкларининг эшиги олдидаги долларга харидорлар сафининг жуда сийраклашиб кетгани ҳам бугунги кунда доллар-сўм кураши кимнинг фойдасига ўзгараётганини кўрсатади.

Тўғри, жаҳон бозорида ўзининг чексиз эътирофини қозонган доллар билан баслашиш осон иш эмас. Аммо энди бир ёшга тўлган ўзбек сўмининг бунга дадил журъат қилаётгани, албатта, кўнглимизга нур бағишлайди.

Булар энди сўмимизнинг ташқи сиёсатига тегишли гаплардир. Унинг ички ҳаётимизда амалга ошираётган яхши ишлари ҳақида ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Маълумки, пулнинг бош вазифаси халқнинг фаровон ҳаёт кечириши ва мамлакатнинг ободончилиги учун хизмат қилишидир. СССР парчаланиб, мустақиллик эълон қилингандан кейин совет пулини ҳам, сўм-купонни ҳам кўрдик. Ҳар икки даврда инфляция, жўнроқ қилиб айтганда нарх-навонинг ўсиши доим тиккага қараб ўрлаган эди. Сўм муомалага киритилган дастлабки ярим йилликда нарх-навонинг ўсиши, демак, пулнинг қадрсизланиши давом этди. Аммо иккинчи ярим йилликда инфляция даражасининг пасайиши рўй берди. Бу озиқ-овқатга ва бошқа маҳсулотларга нархлар эркин қўйиб юборилгандан кейин юз берди. Ваҳолонки, айрим мухолифларимиз нархлар қўйиб юборилса, ўзбек сўми тезда қадрсизланиб, оддий қоғозга айланади, деб башорат қилишган эди. Лекин аксинча бўлди. Бозорларимиз молга тўлди. Халқимизда мулкка эгалик ҳисси тез ривожланди. Хусусий тармоқ давлат сектори билан дадил рақобатга кириша бошлади. Фермерларимиз, тадбиркорларимиз озиқ-овқат савдосига бийлик қилиб келган катта-катта бирлашмаларни анча шоширib қўймоқда. Савдода, ишлаб чиқаришда, ва бошқа соҳаларда ижобий маънода рақобат пайдо бўлди. Бу, бизнингча, миллий валютамизнинг **БИРИНЧИ КАТТА ЮТУҒИДИР.**

Давлатимиз аҳолининг кам таъминланган қисмини, ногиронларни, қарияларни ва болаларни ижтимоий ҳимоялашни бир дақиқа ҳам назардан қочиргани йўқ. Бироқ, очиғини айтиш керак, давлатдан қарздор қатор хўжаликларда ўз вақтида маош ололмаслик ҳолатлари бўлиб турибди. Пул оборотини йўлга қўёлмаган баъзи ношуд раҳбарларнинг айби билан маошларни, стипендияларни ва ҳатто нафақаларни тўлашда кечикишлар бўлмоқда. Ўқувчилардан минг бор узр сўраб таъкидлаймизки, пул ислоҳоти, умуман иқтисодий ислоҳот одамларнинг бардоши устидан қандайдир эксперимент ўтказиш эмас, балки ўтиш даврига хос бўлган табиий-тарихий зарурат тақозосидир. Демоқчимизки, статистиканинг ҳисоб-китобларига қараганда, тўловлардаги бу узилишлар оралиғи қисқариб бормоқда. Бунга сабаб раҳбарларимиз ҳам, кишиларимиз ҳам тобора уқувлироқ бўлиб бормоқда. Халқимиз ислоҳотларнинг мақсадини тўғри англамоқда. Энг муҳими, кўпчилигимизда совет даврида шаклланган истеъмолчилик, «бер-берчилик» кайфияти қаттиқ зарбага учраб, **ЯХШИ ҲАЁТ УЧУН ҲАРАКАТ БОШЛАНДИ. Бу миллий валютамизнинг ИККИНЧИ КАТТА ЮТУҒИДИР.**

Яқинда атайдан «ишлайман» деганлар изидан Сирғали туман ҳокимиятида ва туман солиқ инспекциясида бўлишга тўғри келди. Фирма очаман, тадбиркорлик билан шуғулланаман, деганлар уч кунга қолмай ҳужжатини тўғрилаб кетмоқда. Бошқа жойларда ҳам ҳаракат қилганга баракат тилаб пешвоз чиқаётган масъул жанобларни кўриб, дилдан қувонасан киши.

Қиссадан ҳисса шулким, миллий валютамиз иқтисодиёт тулпорининг жиловини тўла ўз қўлига олди. Энди шу тулпорни равон йўрғалатмоқ даркор. Шу боис сўмнинг обрўси учун кураш бундан кейин ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Ўтган бир йил ичида бу борада катта ишлар амалга оширилди. Айни пайтда тамойилдан чекиниш ҳолатлари ҳам бўлиб турди. Масалан, бутун ташвиқот машинамиз сўмнинг обрўсини ошириш учун ишлаб турганда спорт мусобақалари совриндорларини доллар билан мукофотлаш ўз-ўзидан кўпчиликка хорижий валютанинг қудратини расман тан олишдай бўлиб кўринди. Шунингдек, айрим имтиёзли магазинларимизда чет элдан келтирилган молларнинг маълум турларини долларда нархлаб қўйилиши, гарчи улар сўм курси бўйича сотилаётган бўлса ҳам, бизнинг мақсадимизга хизмат қилмайди, деб ўйлаймиз. Ўзини ҳурмат қилган барча мамлакатлар қатори бизда ҳам валюта алмаштириш пунктлари ишлаб турибдими, меҳмонларимиз марҳамат қилиб унинг хизматидан фойдалансинлар.

Қорин қайғусини аллақачон унутган, тирноғидан сочигача техникалашиб олган Ғарб бугунги кунда маданий-маънавий бойликларга сиғинишни урф қилиб яшамоқда. Агар Ғарб қонунлар асосида, Шарқ анъаналар асосида яшайди, деган тамойилни эсга олсак, бизда пулга сиғиниш кучаймоқда, деб ўйлашга ҳеч қандай асос йўқ. Давлатимиз мустақилликнинг биринчи кунидан бошлабоқ миллий қадриятларимизни тиклаш, маънавияти кучли жамият қуриш йўлини маҳкам ушлаган. Пулу сиймузар ҳеч қачон шеърга солинмаган заминда инсон меҳнати, солиҳ кишилар ҳиммати ва хизмати бундан кейин ҳам одамийлик мезони бўлиб қолаверади.

Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ.

Ўтган йили мамлакатимизда илк бор кўппартиялилик асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига ўтказилган сайловлар юртимиз тарихида катта воқеа бўлди. Улар мамлакатимиздаги сиёсий вазиятнигина эмас, балки Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини ҳам жиддий равишда ўзгартириб юборди.

Эндиликда, ХДПга кўппартиялилик қарор топган воқелик шарт-шароитида иш олиб боришга тўғри келмоқда. Бу, ўз навбатида, партиямиз негизини ташкил этувчи бошланғич ташкилотларнинг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашни долзарб масала қилиб қўйди. Хўш, улар янгича шароитда ўз фаолиятларини қай йўсинда ўзгартиришлари, такомиллаштиришлари керак?

Бу борада мисқоллаб тўпланаётган илк тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, ҳаёт олға сураётган вазифа ва муаммолар ечимини биргаликда излаб топиш, умумий ҳаракат дастурларимизни келишиб олиш даркор эди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси шуларни ҳисобга олиб, Тошкент, Қарши, Бухоро ва Андижон шаҳарларида вилоятлар, туман ва шаҳар партия кенгашлари котибларининг минтақавий семинар-кенгашларини ўтказди.

Уларда Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг « Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш вазифалари» мавзуидаги маърузаси муҳокама этилди. Бир қатор партия етакчилари сўзга чиқиб, ушбу масалалар юзасидан ўз қарашларини баён қилдилар. Анжуманлар ўтказилган шаҳарлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, меҳнат жамоалари ва маҳаллалардаги бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотлари тажрибаларини ўргандилар. Партиямиз фаоллари семинар-кенгашлар самарали ўтганлигини таъкидлаб, анжуман ҳужжатларини оммалаштириш зарурлигини қайд этдилар.

Бугун сиз газета саҳифаларида ана шу семинар-кенгашларда билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истаклар билан танишасиз. Маъруза ва нутқлар баёни қисқартирилган ҳолда берилмоқда.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛАЙЛИК!

Мамлакатимизда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий вазиятнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — юртимиздаги барқарорлик, тинчлик, тотувлик бўлса, иккинчиси — ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятни демократиялаштириш томон қўйилаётган янги дадил қадамлардир. Ўзбекистон адолатли, инсонпарвар, демократик жамият, ҳуқуқий давлат қуриш, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, истиқлолимиз истиқболларини таъминлаш йўлидан изчиллик билан бориб, бу борада жиддий ютуқларга эришмоқда. Мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий пойдевори яратилмоқда. Тарихимизда биринчи марта кўппартиялилик асосида демократик сайловлар ўтказилди ва Олий Мажлисдан тортиб, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришгача бўлган давлат ҳокимияти вакиллик идоралари ягона, бир бутун тизими вужудга келтирилди, ижроия ва суд ҳокимиятлари тармоқлари шакллантирилди. Мамлакатимизда янги ижтимоий-сиёсий тизим қарор топмоқда. Бу эса, ўз навбатида, шубҳасиз, ислоҳотларни давом эттириш ва уларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис биринчи ва иккинчи сессияларидаги дастурий маърузаларида мустақиллик йилларида мамлакатимиз босиб ўтган йўл ҳар томонлама чуқур таҳлил этилди, тараққиётимизнинг ўзимизга хос йўли тушунчасига, орттирилган тажрибага суяниб, муайян аниқликлар киритилди. Уларда миллий тараққиётимизнинг бош тамойиллари ҳамда Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик идоралари фаолиятларининг устивор йўналишлари ҳар томонлама асосланди. Шунингдек, жамиятимизда демократияни қарор топтириш, маънавиятни юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш — сиёсий соҳадаги бош йўлимиз, истиқболли келажагимизнинг муҳим пойдевори, амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим шарти эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон ХДП ташкилотлари мазкур маърузаларда баён этилган ғояларни рўёбга чиқариш бўйича ўз вазифаларини, партиямизнинг жамиятимиз сиёсий тизимидаги мавқеи, зиммасига олган масъулиятли дастурий мақсадлари, сайловчиларга берган ваъдалари ҳамда салоҳиятини ҳисобга олиб, белгиламоқлари лозим.

Президентимиз ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги референдум ўтказиш ҳақидаги қарорни партиямиз бошданоқ маъқуллаб чиқди ҳамда уни муваффақиятли ўтказишга ўз ҳиссасини қўшди. Эндиликда, кўзланган ислоҳотларни дадил амалга ошириш, Олий Мажлис, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига ўтказилган сайловларда халқимиз қўллаб-қувватлаган режаларни самарали рўёбга чиқариш учун дастлабки зарур омиллар вужудга келтирилди, деб айтиш мумкин.

Хўш, умуман, ҳозирги куннинг хусусиятларидан ҳамда партиямизнинг бош ғоявий-сиёсий йўлидан келиб чиққан ҳолда бизнинг асосий вазифаларимиз нималардан иборат?

Энг аввало, биз юртимизда янги иқтисодий муносабатларни вужудга келтиришга, ижтимоий йўналтирилган кучли иқтисодий сиёсатни рўёбга чиқаришга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этишни ўзимизнинг биринчи даражали, устивор вазифамиз, деб биламиз.

Имонимиз комилки, мулкнинг муайян қисмини давлат тасарруфидан чиқариш, унинг турли шаклларини ривожлантириш, соғлом тадбиркорлик ва хусусий ташаббускорликни рағбатлантириш — халқ фаровонлигини ошириш ҳамда комил инсон шахсини шакллантиришнинг таъсирчан омиллари тизимини барпо этишга олиб борадиган энг самарали йўлдир.

Партиямиз мулкчилик масалаларига ҳамиша катта аҳамият берган, ҳозир ва бундан кейин ҳам мазкур соҳага бизнинг муносабатимиз мана шундай жиддийлигича қолади.

Биз мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлигини ҳимоя қилар эканмиз, айни пайтда, хусусий мулкчиликни ўз мавқеи, ҳуқуқига тиклаш зарурлигини тўла англаган ҳолда, унга нисбатан мадҳиялар, ҳамду санолар ўқиш ниятидан йироқмиз. Маърифатли инсоният тарихий тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мабодо, хусусий мулкчилик жамиятда танҳо ҳукмронлик қилса, мулкчиликнинг бошқа шакллари билан, қонун доирасида, баравар юрмаса, бунинг, бамисоли, худди мустабидчилик тузуми шароитида одамлар мулкдан бегоналашганликлари сабабли юз берган бепарволик, боқимандалик, лоқайдликдек, эндиликда, худбинлик, хасислик, бош-бошдоқлик каби салбий иллатларнинг авж олишига олиб келиши турган гап.

Ҳозирги дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида мулкчиликнинг давлат ҳамда жамоавийлашган шакллари ҳиссасининг ошиб бориши тамойиллари бежиз бўлмаса керак. Масалан, АҚШда давлат мулкининг ҳажми кейинги 40 йилда икки баробарга ўсган. Бу, қолаверса, нафақат иқтисодий, балки, ижтимоий аҳамиятга молик ҳодисадир. Шу боис, фикримизча, бизда ҳам мулкчиликнинг барча, айниқса, кўҳна давлатчилигимиз заминида ташкил топган, кўп асрлик анъаналаримиз ва чуқур тарихий илдизларимизга бориб тақаладиган, шаклларини замона руҳи билан бойитиб, уларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш ўта муҳимдир.

Модомики, биз фуқаролар учун имкониятлар тенглиги шароитини яратмоқчи эканмиз, ҳамма гап шундаки, бу ерда сўз ё хусусий, ё жамоавий тарздаги мулк ҳақида эмас, балки, ҳар бир киши учун, мулк шаклидан қатъий назар, унга эгалик қилиш ҳуқуқини амалда рўёбга чиқариш имкониятларини вужудга келтириш тўғрисида бормоғи лозим, деб ўйлаймиз.

Бошланғич ташкилот — Ўзбекистон ҲДП негизи

Дарҳақиқат, ерга эгалик қилиш соҳасида ҳам, муайян миқёсларда, унинг хусусий шаклларини ўз ичига олувчи, мулкий хилма-хиллик амалиётини жорий этиш масаласини кўриш вақти келган бўлса, ажаб эмас.

Биз демократик жамият, ҳуқуқий давлатчилик учун одил қонунлар тизимини вужудга келтирилишини, фуқароларнинг қонунларга ҳурмат, риоя-итоат руҳидаги ижтимоий онгини шакллантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг аҳамиятини бекиёс қадрлаймиз. Бироқ, ижтимоий адолатни қарор топтиришда буларнигина етарли эмаслигини ҳам эътироф этамиз. Гап, биринчи галда, қандайин ҳамда қанча қонунлар қабул қилишда эмас, балки, уларнинг сўзсиз бажарилишининг иқтисодий, ижтимоий, маънавий-сиёсий мурватларини вужудга келтиришдадир.

Бундан ташқари, бизнинг партиямиз муайян ижтимоий гуруҳ ёки табақанинг касб-корий уюшмаси эмас. Зеро, касб-корга мансублик бўйича касаба уюшмасига бирлашадилар. Сиёсий партия давлат ҳокимияти вакиллик идораларига бўладиган сайловларда муваффақиятга, унинг номи қай тарзда бўлишидан қатъий назар, бутун халқнинг, яъни сайловчилар аксарият қисмининг манфаатини ифода этиши боис, унинг қўллаб-қувватлаши орқали эришиши мумкин.

Давлат ҳокимияти вакиллик идораларига бўлиб ўтган сайловлар нафақат мамлакатимиздаги сиёсий вазиятни, балки, партиямизнинг ҳам ижтимоий ҳаётдаги мавқеини жиддий равишда ўзгартириб юборди. Эндиликда, кўппартиялилик қарор топган воқелик шарт-шароитида иш олиб боришга тўғри келади.

Ўзбекистон ХДП республикада сон жиҳатидан энг катта, сифат жиҳатдан энг бақувват партия, Олий Мажлисдаги энг йирик партиявий фракция, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларнинг деярли ярми бизники эканлиги учун ҳам халқимиз келажаги, унинг тақдири тўғрисидаги маъсулият кўпроқ бизнинг зиммамиздалигини ҳеч биримиз ёддан чиқармаслигимиз керак. Қарийб 400 мингга яқин республикамиз фуқароларини бирлаштирган Ўзбекистон ХДП сафлари муттасил ўсиб бормоқда, унинг ижтимоий таркиби яхшиланаётир.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг, партиямиз фаолият кўрсатадиган шарт-шароитларнинг ўзгариб бораётганлиги унинг бошланғич ташкилотларини тузишга янгича ёндашувни талаб этмоқда. Айни пайтда, ҳозирги шарт-шароитда парламентчилик партиямиз фаолиятининг бош майдонига, дастурий ғоя ва мақсадларимизни амалга оширишнинг асосий воситасига айланди. Парламентда муносиб ўрин эгаллаш учун партиямиз ўз номзодларининг сайловчилар томонидан бундан буён ҳам қўллаб-қувватланишига эришиши керак. Бунинг учун сайлов округларида, яъни аҳоли яшаш жойларида, ишлашни кескин яхшилашимиз тақозо этилади.

Партиямиз маҳаллий ташкилотлари тўплаган муҳим тажриба — энг яхши тарғибот ва ташвиқот, бу — амалий ишлар эканлигини кўрсатмоқда. Зеро, қуруқ гап ҳеч кимга ёқмайди. Айниқса, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида оддий кишилар узуқ-юлуқ ваъдалар, ҳавоий шиор ва режаларга ишонмайдилар. Партиямизнинг дастурий ғоя ва мақсадлари моҳиятини, унинг халқ билан ҳамдард, ҳамнафас эканлигини тушунтиришнинг энг яхши йўли амалий ишларимиздир.

Оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда партиямиз нашрлари, марказий ва маҳаллий матбуот воситаларидан яхшироқ фойдаланиш керак. Вилоят, шаҳар, туман газеталари, радио ва телевидение орқали кўпчилик аҳолининг ичига кириб бориш имкониятидан самарали фойдаланиш — айни муддаодир.

Партиямизнинг жамиятдаги нуфузи, бугунги кунда, унинг дастурий мақсадлари, мафкурасининг мафтункорлиги, ташкилий жиҳатдан уюшганлиги билан бир қаторда, кўп жиҳатдан, молиявий аҳволига ҳам боғлиқ. Бу ўринда, аъзолик бадалларини ўз вақтида тўланишига, Ўзбекистон ХДП барча тузилмаларининг, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини йўлга қўйишга асосланган, ўз-ўзини молиявий таъминлашларига эришишлари ўта муҳим, долзарб муаммодир.

***

Мамлакатимизда таркиб топган янги ижтимоий-сиёсий вазиятда олдимизда турган асосий вазифалар, хусусан, партиямизнинг негизи бўлмиш бошланғич ташкилотларимиз фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, асосан, шулардан иборат.

Уларни рўёбга чиқариш бутун партиянинг, Ўзбекистон ХДП ҳар бир аъзосининг бурчидир.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР:

И. А. КАРИМОВ:

ХДПнинг тузилганига мана уч-тўрт йил бўлди. Лекин ҳали бу партиянинг ҳам амалий ҳаракатлари, ғояси билан одамларни ўзига жалб қилиш, янги дастурлар ишлаб чиқиш борасида кўп заиф томонлари бор. Келажакда бу партия ҳам ўзини тутиб олишига ишонаман.

ЎзХДП рақамларда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси маъмурий ҳудудлар доирасида:

— Қорақалпоғистон республика;

— 12 та вилоят ва Тошкент шаҳар;

— 31 та шаҳар;

— 173 та туман партия ташкилотидан иборат.

* * *

Партиямиз бошланғич, айниқса, ҳудудий бошланғич ташкилотлари сони тобора кўпаймоқда. 1993 йилда бошланғич ташкилотлар 12. 456 та (2638 таси ҳудудий) бўлиб, ҳозир улар 13. 370 та (3410 таси ҳудудий) га етди.

* * *

Ўзбекистон ХДП ҳозирги кунда 400 мингга яқин республикамиз фуқаросини ўз сафларига бирлаштирган.

* * *

Партиямизга 1993 йилда 36.403 киши қабул қилинган бўлса, бу кўрсаткич 1994 йили 42.523 ни ташкил этди. 1995 йилнинг ўтган беш ойи мобайнида эса 16.128 фуқаро ХДП сафларини тўлдирди.

* * *

Ўзбекистон ХДПнинг ижтимоий таркиби ҳам тобора яхшиланаётир. Бугунги кунга келиб, партия аъзоларининг 23,4 фоизи хотин-қизлар, 44,2 фоизи ишчи ва деҳқонлар, 47 фоизи хизматчилардир.

* * *

ХДП ташкилотларининг аҳоли ижтимоий қатламлари орасидаги таъсири ошиб бормоқда. Агар 1993 йилда партия сафига қабул қилинганларнинг 27,5 фоизини аёллар ташкил этган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 31,8 фоизга етди. Андижон, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларида у 35-40 фоиздир.

Тошкент шаҳри: Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри

Латиф ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби:

— Сир эмаски, ЎзХДП аъзоларининг асосий қисми меҳнат жамоаларидаги бошланғич партия ташкилотларида ҳисобда туришади.Биз бу жойларда барқарор мавқега ва таъсирга эгамиз. Бироқ, сиёсий ҳаёт меҳнат жамоаларидан ташқарида ҳам давом этади.

Масалан, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари, маҳалла қўмиталари кун сайин кўпроқ таъсир ва обрўга эга бўлиб бормоқда. Мана, биз эътиборни қаерга қаратишимиз керак! Биз туман партия кенгашлари олдига шундай вазифа қўйганмиз: қаерда маҳалла қўмитаси бўлса, ўша ерда Ўзбекистон ХДПнинг бошланғич ташкилоти бўлиши керак. Агар биз маҳаллада ўз мавқеимизни мустаҳкамламасак, ташаббусни қўлдан бой бериб қўйишимиз мумкинлигини унутмаслигимиз лозим.

Партиямизга қабул қилинувчиларнинг сифат таркибига алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳимдир. Аввало, мен ёшларни назарда тутаман. Агар партиямизнинг келажагини таъминламоқчи бўлсак, ёшларни ўз сафимизга кўпроқ тортишимиз лозим.

Мен эътиборингизни кадрлар масаласига қаратмоқчиман. Партия аппарати, айниқса, унинг қуйи бўғини ходимларини. Уларни давлат ташкилотлари ва муассасаларидаги масъул лавозимларга тавсия этиш керак. Жиддий тарзда кадрлар янги резэрвини тайёрлаш зарур.

Гуландом СУБҲОНОВА,
Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби:

— Партия қуйи бўғинлари фаолиятини жонлантириш, ХДП аъзоларининг фаоллигини ошириб бориш, кўп жиҳатдан, котибларнинг билими, ташаббускор ва қатъиятлигига боғлиқ. Шундай экан, бошланғич партия ташкилотлари котиблари сиёсий билимини чуқурлаштириш, ҳозирги кўппартиялилик тизимига мос равишда уларнинг малакасини ошириб бориш, муҳим вазифаларимиз сирасига киради.

Ғаллаорол туман партия кенгашида тумандаги йирик бошланғич партия ташкилотлари котибларидан иборат маслаҳат кенгаши фаолият кўрсатаётибди. Кенгаш аъзоларининг ҳар бирига кам сонли бошланғич партия ташкилотлари бириктирилиб, уларнинг котибларига мунтазам равишда амалий-услубий ёрдам бериш вазифаси юклатилган. Маслаҳат кенгашининг, ҳар ҳафтанинг душанба куни ўтказиладиган мажлисида, жойлардаги вазият, ички партиявий ишларнинг аҳволи муҳокама этиб борилади. Зарбдор, Жиззах, Дўстлик туман партия кенгашларида ҳар ойда бир марта «Котиб соати» ўтказилиб борилмоқда. «Котиб соат»ларида бошланғич партия ташкилотлари иш услубларини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилиб, уларда партия етакчиларига тегишли тавсияномалар бериб борилмоқда. Вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг қарорига биноан шаҳар ва туманларда ўзаро иш тажрибалари билан алмашиш ва уларни оммалаштириш бўйича намунали таянч бошланғич партия ташкилотларини белгилаш, уларга амалий-услубий ёрдам бериш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир бундай намунали бошланғич партия ташкилотлари негизида, ўзаро иш тажрибалари билан алмашиш мақсадида, партия ташкилотлари котибларининг семинарини мунтазам ўтказиш йўлга қўйилган.

Н. ЖОЙНОҚОВ,
Оқолтин туман партия кенгаши биринчи котиби:

— Биз ҳозир кўпроқ одамлар орасида бўлишга, уларнинг кундалик муаммоларини биргаликда ҳал этишга, турли амалий тадбирлар билан кўнгилларини кўтаришга, Президентимиз Фармон ва қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда якдил қадам ташлашга ҳаракат қиляпмиз. Олиб борилаётган ишлар асосан маҳаллаларда, қишлоқларда, даҳаларда ва кўчаларда уюштириляпти. Уларга ҳудудий партия ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари раҳнамолик қилишмоқда. Анъанага айланиб бораётган ана шундай тадбирлардан бир нечтасига тўхталиб ўтмоқчиман. Мени ўйлантираётган асосий муаммолардан бири — партиямиз кенгашлари аппаратлари тизими ва таркибини бошқача услубда ташкил этиш бўлиб қолди. Чунки, кўппартиялилик аниқ ҳақиқатга айланди. Бугунги шароитда икки-уч масъул ходим кабинетда ўтириб эмас, балки, омма орасида, халқ билан бирга яшаши ва ишлаши лозим бўлиб қолди. Хўш, бу муаммони қандай ҳал этиш мумкин?

Оддий бир партия аъзоси сифатида бу масалани ечишга ҳаракат қилиб кўрдим. Албатта, бу менинг шахсий ўй-фикрим. Фикрларимни вилоят кенгашидагиларга айтганимда, улар ўз маслаҳатларини беришди, баъзи жойларда баҳслашдик ҳам. Охир-оқибат бир тўхтамга келиниб, амалда уни қўллаб кўришга келишилди. Ижроия бюро аъзолари билан келишилган ҳолда, олдиндан мўлжаллаб юрган режага асосан, туман ҳудудини шартли равишда сайлов округлари бўйича беш минтақага бўлдик: ҳар бир минтақага 5—7 тадан сайлов округи тўғри келди. Бу округларга ҳудудлар бўйича халқ хўжалигининг турли ишлаб чиқариш тармоқлари—хўжаликлар, мактаблар, шифохоналар, савдо шохобчалари, болалар боғчалари, қишлоқлар, даҳалар, маҳаллалар ва кўчалар бириктирилди. Қарабсизки, цех, бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотларини бирлаштирган бешта йирик минтақавий партия ташкилоти вужудга келди.

Эндиги вазифа эса, партия ходимларининг иш жойларини кабинетдан маҳаллаларга кўчириш. Аммо, бу ўринда аввало маблағ масаласини ҳал этиш зарур. Бошланган ишимизни эса маблағсиз амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабли, вақтинча, кенгаш аппаратида 2—3 киши ишлаб туради. Янги ташкил этилаётган минтақавий партия ташкилотларига эса ўша маҳалла ёки қишлоқнинг ўзидан, ҳаётий тажрибага эга, партия ишидан хабардор нафақахўрларни жалб этамиз. Ҳозирча улар жамоатчилик асосида иш олиб борадилар. Маблағ масаласи ҳал этилгач, уларни вазифалари тўлиғича минтақавий партия ташкилотлари котибларига юкланади. Улар шундан сўнг, партия кенгашининг маҳаллалардаги партия ташкилотчилари ҳисобланишади ва фаолият кўрсатишади. Кенгаш аппаратида эса, котиб ҳисобчи ва статист — иш юритувчи қолади, холос.

Иш тартиби қуйидагича ташкил этилади.Ташкилотчилар бевосита ўз маҳаллаларида иш хонасига эга бўладилар, ўша ернинг ўзида қоғоз ишлари юритилади, партияга янги аъзолар қабул қилиб, уларнинг ҳужжатларини расмийлаштиради. Улар ўз ҳудудидаги барча бошланғич, ҳудудий ва цех партия ташкилотлари билан ишлайдилар, уларга амалий-методик ёрдам кўрсатадилар. Ҳар икки ҳафтада бир марта туман кенгашига келиб, олиб борилаётган ташкилий-партиявий, мафкуравий ишлар, тадбирлар юзасидан ахборот бериб турадилар ҳамда тегишли тавсия, топшириқлар оладилар.

Ўктам ТУРҒУНОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби:

—Вилоят партия ташкилотлари ҳаётининг кейинги бир ярим йили, барча жойларда бўлгани каби, уч асосий тарихий воқеаларга қизғин тайёргарлик билан ўтди. Республика Олий Мажлисига сайловлар, умумхалқ референдуми ва Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги каби муҳим вокеалардаги фаол иштирокимиз ташкилотимизни оммага сиёсий таъсир кўрсатишнинг янги тажрибаси билан бойитиб, иш услубимиз доирасини кенгайтирди. Бу — Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари меҳнат аҳли билан ўтказилган сиёсий учрашувлар туркуми; бу — Бекобод, Янгийўл ва Чирчиқ шаҳарлари партия сайланма органлари ва депутатларининг Ўзбекистон Конституциясини кенг тушунтириш ва тарғиб этишдаги иштироклари; бу — Бўстонлиқ, Зангиота туманларида, аҳоли истиқомат жойларида, сайлов мавзеларида миллий мустақиллигимиз мафкураси, сайловлар ҳақидаги қоидаларни тарғибот қилишга қодир сиёсий-маърифий марказлар, тарғибот-ташвиқот гуруҳларининг тузилиши демакдир.

Бўстонлиқ туман ва Янгийўл шаҳар кенгашларининг иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг турли табақаларига ноанъанавий ёндашув партия обрўсини оширмоқда ва унга янги аъзолар оқимини келтираётир. Бўстонлиқ туман кенгаши ўз фаолиятида тадбиркорлар билан ишлашга алоҳида эътибор бермоқда. Тадбиркорлар ва фермерлар республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бевосита ижрочилари эканлигини ҳисобга олиб, туман кенгаши улар билан алоқани мустаҳкамламоқда.

Мазкур тизимларда бошланғич партия ташкилотлари тузилаётир. Кейинги пайтларда «Оғабек-Гранит», «Бунёд» ҳиссадорлик жамияти каби ташкилотларда бошланғич партия ташкилотлари тузилди. Янгийўл шаҳар кенгаши эса аҳолининг асосий қатламларини ижтимоий ҳаётга жалб этадиган иш услубларидан кўпроқ фойдаланмоқда. Ёшлар билан ишлаш сезиларли даражада кучайиб, шаҳар «Хотин-қизлар клуби» билан ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Ногиронлар жамияти, Уруш ва меҳнат фахрийлари қўмитаси билан қизиқарли иш услублари топилди.

Мисол учун Олмалиқ шаҳар ҳудудий партия ташкилотлари (жами — 18) маҳалла қўмиталари, мактаблар, милиция, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб бориб, жамоат тартибини сақлаш, ўсмирлар ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар. Чирчиқ шаҳрида ҳудудий партия ташкилотлари ўтган йили маҳалла қўмиталари қурултойини ўтказиш ташаббуси билан чиқишди. Мазкур тажриба ўз ижодий самарасини берди.

Бу йил шундай қурултойни «Шаҳарнинг энг обрўли оиласи» кўриги билан якунлаш мўлжалланмоқда.

Ўзгаришлар шаҳар ва туман кенгашлари аппаратлари, партия ташкилоти фаолиятига ҳам таъсир этмай қолмади. Улар бир маротаба ўтказиладиган тадбирлардан воз кечишга, ўз тарғибот-ташвиқот ишларини ягона режа асосида мунтазам ташкиллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Тоштемир ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши биринчи котиби:

— Агар биз ҳаётий муаммоларга қўл силтаб, ички партиявий ишларга ўралашиб қолсак, кенг омма орасига кириб бормасак, партия ташкилоти нуфузини ошира олмаймиз.

Иқтисодиётнинг айрим соҳалари устидан, бошланғич партия ташкилотлари тавсиясига кўра, партия оталиғини ўрнатдик. Масалан, вилоят хокимлиги билан келишган ҳолда, чорвачилик соҳасини ўз оталиғимизга олдик. Тўрт йилдирки, шу ишни давом эттираётирмиз. Мунтазам равишда бир йилда 2-3 маротаба вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси билан ҳамкорликда, ХДП туман кенгашлари биринчи котиблари, хўжаликлар бошланғич партия ташкилотлари котиблари, соҳа мутахассислари иштирокида, шу масалани вилоят кенгаши ижроия бюроси, бошланғич партия ташкилотлари мажлисида муҳокама қиламиз, ем-хашак тайёрлаш, фермаларни таъмирлаш ишларига кўмаклашамиз, чорвадорлар ўртасида сиёсий ишларни ташкил этамиз.

Оқолтин туман кенгаши биринчи котиби Н. Жайноқов туман фермерлар ассоциацияси бошлиғи, туман ҳокимининг чорвачилик бўйича жамоатчилик асосидаги муовинидир. Партия ташкилотлари котиблари эса чорва бўйича хўжалик раислари муовинларидир.

Уч йилдан бери партия ташкилотларимиз пиллачилик соҳасига ҳам оталиқ қилмоқда. Шунингдек, қишлоқда кичик, хусусий, қўшма корхоналар, ёрдамчи муассасалар очишга кўмаклашяпмиз. Бу иш билан таъминлаш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ёрдам беради.

Партия аъзоси бўлган раҳбарларнинг партия Низоми талаблари ва ўз вазифасини бажариш юзасидан масъулиятини ошириш мақсадида бошланғич партия ташкилотлари ХДП шаҳар, туман кенгашлари ўз йиғилишлари ва мажлисларида уларнинг ҳисоботларини тез-тез эшитиб бормоқдалар.

Янги шароитларда сиёсий тарбиявий иш олиб боришнинг янги шакллари ҳақида ҳам ўйламоқдамиз.

Ҳар ойда барча бошланғич партия ташкилотларида ҳокимият билан ҳамкорликда сиёсий ахборот ҳафталикларини ўтказишни йўлга қўйганмиз. Ахборот ҳафталиги ўтказишдан бир неча кун олдин, ҳокимият билан маслаҳатлашган ҳолда, унинг мавзусига доир мурожаат вилоят газеталарида эълон қилинади.

М. МИРКОМИЛОВ,
Юқори Чирчиқ туман партия кенгаши биринчи котиби:

— Биз котиблар шундай семинар-кенгаш ўтказилишини кўпдан кўтаётган эдик. Чунки, амалий тадбирлар билан бир қаторда, назарий тадбирлар қанчалик кўп ўтказилса, ташкилий партиявий ишларимиз кўлами шунчалик кенг бўлиб, халқимизнинг турли қатламлари орасига кириб бориш йўллари ҳам кўпаяди. Ишимиз янги шакл, янги мазмун билан бойийди.

Сўз — семинар-кенгаш иштирокчиларига!

Маълумки, республикамизда кейинги пайтда бир нечта сиёсий партиялар вужудга келди. Буни, демократик жамият шаклланишининг меъёрий жараёни, деб қараш лозим. Аммо Ўзбекистон ХДП фаоллари ва унинг ҳар бир аъзосига давр катта масъулият юклайди. Энди, муваффақиятлардан, эришилган ютуқ ва партиямизнинг салоҳиятидан қониқишнинг ўзи камлик қилади.

Мамлакатимизда истиқомат қиладиган бирон-бир жой қолмаслиги керакки, партиямизнинг ҳаракатидан, унинг республика равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатидан қониқиш ҳосил қилмаган. Хўш, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг фаоллари ўз иш дастурларини қай йўсинда белгилаб олиб боряптилар? Уларда асосий эътибор нималарга қаратилмоқда? Шу саволлар билан бир неча котибларга мурожаат қилдик.

Муяссар ИСМОИЛОВА, Янгийўл шаҳар партия кенгаши биринчи котиби: — **Кенгашимиз жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашни яхши йўлга қўйган. Фахрийлар кенгаши, Хотин-қизлар ва Ёшлар Иттифоқи шаҳар қўмитаси билан муштарак мақсадлар йўлида талайгина ишлар олиб борилди. Бундан ташқари, «Ногиронлар» жамияти доимий ҳомийлигимизда. Жамиятда 1800 нафар аъзо бор.**

Шаҳар марказий касалхонасида уруш қатнашчиларига хизмат кўрсатадиган учта даволаш хонаси ажратишга эришдик. «Ситора», «Герий» каби фирмалар билан ҳамкорликда ҳар қандай муаммони биргаликда бартараф этиб келмоқдамиз.

Шаҳар кенгаши қошида «Аёллар» клуби ташкил этилган. Унга юз нафар аёл уюшган. Улар турли касб эгалари, зиёлилар ва уй бекаларидир. Хотин-қизлар орасида турли мавзуларга бағишланган учрашувлар ўтказиляпти. «Соғлом авлод учун» шиорининг мазмуни иш режамизга сингдирилган.

Кўппартиялилик даврида халққа яна ҳам яқинроқ бориш, уларнинг қалбидан жой олиш кундалик вазифамизга айланмоғи даркор.

Равшан ТУЙЧИЕВ, Фориш туман партия кенгашининг биринчи котиби: —**Туманимиз партия кенгаши асосий эътиборни ҳудудий бошланғич ташкилотларга қаратган. У ишни тубдан яхшилаш, тўпланган тажрибаларни оммалаштириш борасида ҳаракат қиляпти. Партиямиз ташкил бўлган пайтда йигирмадан зиёд ҳудудий партия ташкилотлари бўлган бўлса, бугун улар сони 38 тага етди. Ҳудудий ташкилотлар ҳисобида турувчи аъзолар, асосан, қишлоқ зиёлилари ва фахрийлардан иборат.**

Ташкилотимиз фаоллари юртбошимизнинг Олий Мажлис сессияларидаги маърузаларини, фармонлари ва партиямиз сайловолди Сиёсий дастуридан келиб чиқиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боряпти.

Қарши шаҳри: Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари

Фармон ОМОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби:

— Барча даражадаги партия ташкилотларимиз меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатиб, одамларда ташаббускорликни уйғотишга, уларни иқтисодий ислоҳотлар вазифаларини яхшироқ ҳал қилишга қаратилган ижодий изланишга сафарбар қилишга интилмоқдалар . Бир қатор партия ташкилотлари мулкчилик шаклларини ўзгартириш дастурини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этмоқдалар. Вилоятимизда ўтган йиллар давомида мулкчиликнинг нодавлат шаклларига асосланган 1600 корхона, шу жумладан 167 ҳиссадорлик, 147 кичик, 22 та қўшма, 130 та хусусий корхоналар ҳамда 104 та ширкатлар вужудга келди. Шу йилнинг апрель-май ойларида ҳамма туманларда қишлоқда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш муаммоларига бағишланган минтақавий семинарлар ўтказилди. Партия ташкилотларимиз одамлар кайфиятини, уларнинг муаммоларини мунтазам билиб боришга, жойларда ижтимоий муҳофаза чоралари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги ахборотга эга бўлишга интилмоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотлари иқтисодий ислоҳотга тўсиқ бўладиган ҳолларга, адолатсизликка муросасиз позицияда бўлишлари зарур. Шундагина партиямизнинг жойларда обрўйи ошади. Тарғибот ишларига элнинг ишончи ортади.

Бизда 176 бошланғич ташкилот ҳудудий асосларда тузилган. Уларнинг ҳисобида 2521 ХДП аъзоси туради. Бу борада Қарши шаҳрида, Китоб туманида муайян тажриба ўтказилган, қатор бошланғич партия ташкилотларига маҳалла оқсоқоллари етакчилик қилмоқдалар. Қарши шаҳридаги Қўрғонча маҳалласи, Китоб туманидаги Али Қушчи маҳалласи ҳудудий бошланғич ташкилотларида партияга янги аъзолар қабул қилиш, ободончилик ишлари учун партия аъзоларининг масъулиятини оширишга катта эътибор берилмоқда. Бундай жойларда сиёсий тарбиявий ишлар ҳам анча яхши йўлга қўйилган. Яқинда шаҳар, туман партия кенгашлари биринчи котиблари билан ўтказилган йиғилишда ҳудудий бошланғич партия ташкилотларини кўпайтириш, уларнинг ишларини аниқ ташкил этиш чораларини белгиладик. Дастлабки даврда шаҳар маҳаллаларида ҳудудий бошланғич ташкилотлар асосан нафақахўрлардан иборат бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам ҳудудий партия ташкилотларини зудлик билан маҳаллада, қишлоқда истиқомат қилувчи обрў-эътиборли мутахассислар, зиёлилар, ёшлар билан мустаҳкамлашга тўғри келди. Ҳудудий партия ташкилотлари тузишда бу тажрибани эътиборга олишимиз зарур.

Ш. ТЕМИРОВ,
Самарқанд шаҳар партия кенгаши котиби:

— Бўлиб ўтган сайловлар худудий партия ташкилотларининг сайловолди ишларини ташкил этишда нақадар катта аҳамиятга молик бўлишини яна бир бор кўрсатди. Шу боис, ҳозирда сайлов округлари доирасида бошланғич партия ташкилотлари тузишга алоҳида эътибор берилмоқда. Худди шундай ташкилот бизнинг Кимёгарлар шаҳарчасида ташкил қилинди. Мазкур ҳудудий партия ташкилотининг котиби этиб, шаҳарча оқсоқоли сайланди. Худди шундай ташкилотлар Фарҳод ва Хисрав шаҳарчаларида ҳам тузилмоқда. Кейинчалик шаҳар округлари доирасида ҳам бу ишларни давом эттирамиз.

Ҳамро ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби:

— Бошланғич партия ташкилотлари мамлакатимизда олиб бораётган иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини партия аъзолари ва аҳолининг барча ижтимоий қатламлари орасида кенг тарғиб қилиш бўйича ибратли ишлар олиб бормоқдалар. Ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» давлат хўжалиги ва Қизириқ тумани «Гиламбоп» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотлари 1995 йилги ғалла ҳосилини тез, сифатли ва нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш ташаббуси билан чиқиб, тегишли тадбир белгиладилар. Ушбу масала вилоят кенгаши ижроия бюросида кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Аҳоли яшаш жойларида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотларининг олиб бораётган ишлари ҳам кўп қирралидир. Кўппартиялилик шароитини ва айрим соҳаларнинг партия таъсиридан холи эканлигини ҳисобга олиб, биз, асосий диққат-эътиборни бошланғич партия ташкилотларига қаратмоқдамиз. Ҳудудий ва маҳаллий бошланғич партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалардан бири Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга тадбиқ этиш, истиқболларимиз ва мақсадларимизни кенг ёйиш, уни барча партия аъзолари, ҳар бир фуқаро онгига чуқур сингдиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар ва ундан келиб чиқадиган хулосалар ҳамда сайловлардан кейин қатор янги партияларнинг тузилиши ХДП барча бўғинларида ишни қайта ташкил этишни тақозо этади. Бунинг учун, бизнингча, қуйидагиларни амалга ошириш керак:

1. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунни Олий Мажлис сессияси кун тартибига мумкин қадар тезроқ киритишни депутатлар зиммасидаги маъсул вазифа, деб ҳисоблаймиз. Бошланғич партия ташкилотларининг бунга оид таклифларини йиғаяпмиз.
2. Марказий Кенгаш қуйи партия ташкилотларига кўппартиялилик шароитида ишлаш бўйича турли методик қўлланмаларни муттасил бериб бориши керак, деб ўйлаймиз.
3. Бошланғич партия ташкилотларининг асосий қисмини маҳалла ва турар жойларга кўчириш албатта яхши иш. Аммо, бизнинг ишлаб чиқаришдаги меҳнат жамоаларидан ажралиб қолишимиз партия ташкилоти обрўсини кўтармайди ва, аксинча, пасайтириб юбориши ҳам мумкин.
4. Бизнинг фикримизча, ҳар икки-уч йилда республика бўйича бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик кўригини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўларди. Шунга ўхшаш синов кўрикларини ва бошқа хил танловларни ўтказишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш учун улардаги ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўз вақтида ўтказиш ўта муҳимдир.

Бўрибой БЎРОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши иккинчи котиби:

— Вилоятда 616 та ҳудудий партия ташкилотлари бўлиб, уларнинг 66 таси шаҳар ва қўрғонларда, 188 таси жамоа ва ижара хўжаликларида, 223 маҳалла ва турар жой мавзеларида ҳамда 39 таси сайлов мавзеларида тузилган. Фаоллар аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш билан бирга туман ва шаҳар партия кенгашларига ҳар томонлама амалий ёрдам бериб келмоқдалар. Қатор бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятларини партия сафига аъзолар қабул қилиш, аъзолик бадаллари тўғрисидаги ҳисоботни топшириш билан тўхтатиб қўймоқдалар. Партия аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва юқори партия ташкилотларига етказиш тўғрисидаги муҳим масалаларни эсдан чиқармоқдалар.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бошланғич партия ташкилотларини, туман ва шаҳар партия кенгашларини зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар билан таъминлай олмаяпмиз. Партия матбуотида партия фаолиятига доир ўзгариш ва муаммолар кам ёритилмоқда. Бизнинг ишимизда партия аъзолари ва аҳолининг барча қатламлари ўртасида мафкуравий ишларнинг таъсирчанлигини таъминлаш бош мезон қилиб белгиланган.

Мустафо ШОНИЕВ,
Касби туман партия кенгаши биринчи котиби, Қарши шаҳридаги семинар-кенгаш ҳақида:

Мазкур йиғин туфайли бошқа шаҳар ва туманлардаги партиядошларимиз тўплаган илғор иш усулларини ўрганишга киришдик.

Ушбу анжуманда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти турмушимизда нақадар муҳим эканини тўғри, холис баҳоланди.

Минтақавий семинар-кенгашда ХДП, унинг таянч нуқталари бўлган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига доир кенг қамровли муаммо ва масалалар ўрганилди. Назариёт билан амалиётнинг уйғунлашгани анжуман мақсадининг тўлақонлигини таъминлади. Ибратли ишлар, тажрибалар ўрганилиб, фойдали мулоҳазалар билдирилди. Ҳамма гап, айтилганларни амалга оширишда, ўрганилганларни фаолиятга тадбиқ этишда қолди.

ТАЖРИБА, МУАММО, ВАЗИФАЛАР

Бухоро шаҳри: Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари

Атоулла АСАНОВ,
Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби:

— Мустақил диёрга янги, баланд руҳли Истиқлол мафкураси зарур эканлиги биринчи кунлардаёқ маълум бўлган эди. Қониқиш балан айта оламизки, бундай мафкурани бизнинг партиямиз биринчилардан бўлиб ишлаб чиқди. Эндиги вазифа партия фаолларини, партияни қўллаб-қувватлайдиган зиёлиларни миллий тотувлик мафкураси билан қуроллантиришдир. Бу ишда дастлабки ҳаракатлар бошланяпти. Масалан, Қорақалпоғистон Давлат университетида «Яратувчилик, бунёдкорлик руҳидаги таълим-тарбия сари» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Ҳозирги даврнинг маданиятли кишисини тарбиялашда муаллимларнинг хизмати беқиёсдир. Шундан келиб чиқиб, биз мактаб муаллимлари, олий ўқув юрти, техникум, лицей ва бошқа ўқув масканларининг ўқитувчиларини ХДП сафига кўплаб жалб этишга катта аҳамият бермоқдамиз. Ўқитувчиларнинг шу тоифасини бошқа сиёсий кучлар ҳам ўз таъсир доираларига олишга уринаётганларини биз асло унутмаслигимиз керак. Бундан буён тушунтириш ишларини қардошлик, биродарлик руҳида олиб бормоғимиз зарур. Қисқаси,. биз сиёсий мулоқотлар, сиёсий клублар тузиш ҳаракатидамиз. Уларда партия ишининг бугунги долзарб муаммолари бўйича фикр алмашувлар бўлиши кўзда тутилмоқда.

Баҳриддин РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши биринчи котиби:

— Партиянинг парламент фаолияти, бу, албатта, ҳаммамиз учун янги соҳадир. Шу боис, биз ўз йўлимизни аниқ белгилаб олишимиз зарур. Вилоят, туман, шаҳар кенгашлари сессияси иш тартибига мувофиқ, қарорлар лойиҳалари устида таҳлилий ишлар олиб бориш, депутатларимиз фракцияси ўз таклиф, истаклари билан чиқиб, халқ депутатлари Кенгашлари тартибида ўз ўрнимизни, сиёсий мавқеимизни топишимиз керак, деб ўйлайман. Бизнинг вилоятда ҳозирги кунда Халқ демократик партиясидан туман, шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар фракцияси тузилиб, уларни иш режалари келишиб олинди.

Халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида ўз таклифлари, мулоҳазалари билан чиқишлари, шунингдек, ҳар бир депутатимизга ўз соҳасига, мутахассислигига мос келган ҳолда фаолият кўрсатиш учун аниқ-равшан тадбирлар белгиланди.

Вилоят Кенгаши таркибидаги депутатлар фракцияси орқали вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини илмий концепциясини ишлаб чиқдик ва ҳозирги кунда баъзи бир муҳим муаммолар хусусида таклифлар тайёрламоқдамиз.

Бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг негизи ҳисобланади...

Бошланғич партия ташкилотлари партия сиёсатини тарғиб қиладилар ва тушунтира борадилар, партия қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этадилар.

(Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомидан).

Ғайрат МАШАРИПОВ,
Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби:

—Вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари ижроия бюро йиғилишларида бошланғич партия ташкилотлари тузилмаларини такомиллаштириш, уларнинг сафларини ўстириш, ижобий тажрибаларни кенг ёйиш, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга кўмаклашиш каби масалалар катта ўрин эгалламоқда.

Ҳар бир туман, шаҳар партия кенгашларида бошланғич партия ташкилотлари билан ишлашнинг муайян бир тизими вужудга келди.

Урганч шаҳар партия кенгаши партия тузилмаларини шакллантириш бошланган даврданоқ маҳаллаларда ҳудудий партия ташкилотлари тузишга катта аҳамият берди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 31 тага, партия аъзолари 500 тага етди, барча маҳалла ҳудудлари қамраб олинди. Ҳудудий партия ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш мақсадида шаҳар партия кенгаши қошида қўмита тузилиб, маош олиб ишлайдиган котиб сайланган. Кенгашни 9 та аъзоси бўлиб, улар таркибида шаҳар ҳокимлиги вакиллари, фахрийлар кенгаши раиси, маориф бўлими мудири, мактаб директорлари бор. Кенгаш ўз ишини тасдиқланган режа асосида олиб боради. Маҳаллаларда ўтказиладиган байрамлар, халқ сайллари ва бошқа тадбирларни ўтказишда ногиронларга, якка-ёлғизларга, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишни ташкил қилади.

Шаҳар партия кенгаши томонидан 3-ва 15-сон маҳалла ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини акс эттирувчи сиёсий плакат чиқарилиб, уларнинг ижобий тажрибаси бутун вилоятга ёйилди.

Янгибозор туманидаги «Чуболончи» ҳудудий партия ташкилоти қишлоқ ҳудудида истиқомат қилаётган фуқароларга ажратилган 18 та ер участкасида иморат қурувчиларга ёрдам беришни ўз оталиғига олган.

Ундан ташқари, қишлоқ аҳолисини тоза сув ва табиий газ билан таъминлаш масалаларини ҳам диққат марказида тутган. Аҳолини тоза сув билан таъминлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Иқтидорли ёшларни излаш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳар томонлама ёрдам бериш ишлари ҳам партия ташкилотлари томонидан эътиборга олинмоқда.

Янгиариқ туман партия кенгаши тумандаги республика олимпиадасида қатнашган, иқтидорли ўқувчиларга стипендия тайинлаган.

Хонқа шаҳарчасидаги 3-маҳалла ҳудудий партия ташкилоти таркибида 23 аъзо бор. Партия ташкилоти барча ишларга бош-қош бўлаётганлиги туфайли у туманда намунали маҳаллага айланди. Партия ташкилоти ва йиғин маслаҳатчилари томонидан назоратга олинган асосий иш — бу янги ишчи ўринлар очишдир. Ҳозир 3 та кичик корхона ташкил қилиниб, 50 дан ошиқ фуқаро иш билан таъминланган. 1995—96 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган.

Кейинги икки йилда жиноятчилик умуман тугатилганлиги қувонарлидир. Ёшлар ҳамда хотин-қизлар ташкилотлари билан ишлаш комиссиялари фаол ҳаракати боис кўчаларни ободонлаштириш, мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазиш, тозаликка риоя қилиш ишлари йўлга қўйилган.

Қўшкўпир туман ҳудудий партия ташкилотлари ҳамма билан ишлашнинг хилма-хил имкониятларини излаб топмоқдалар. «Ўртаён» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти. ташаббуси билан умумтаълим мактаблари командалари ўртасида «Ғалаба» кубоги учун ўтказилаётган футбол мусобақалари, «Хонобод» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан ўтказилаётган «Касб-кор» кунлари, «Ҳосиён» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ўтказган «Фахрийлар фахримиз» кечалари, жойларда «Наврўз», Рўза ва Қурбон Ҳайити маросимлари, ҳосил байрамларининг нишонланиши аҳоли томонидан илиқ қарши олинди. Туман партия кенгаши Хоразм фахри, буюк аллома Маҳмуд ал-Замаҳшарий таваллудининг 920 йиллигини нишонлаш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда.

Хива туман ҳудудий партия ташкилотлари халқимизнинг маданий меросини ўрганиш, миллий қадриятларимизни тиклаш ишларига катта эътибор бериб, ёшларга халқ ҳунармандчилиги-ўймакорлик, наққошлик, мисгарлик, пўстиндўзлик, бешик-сандиқ ясаш сирларини ўргатишга бош-қош бўлмоқда.

Жалолиддин НУРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши биринчи котиби:

— Бизнинг мақсадимиз — ҳамиша мамлакатимиз ҳаёти ва халқимиз билан ҳамнафас яшаш. Унинг иссиғи ва совуғидан хабардор бўлиш, оғирини енгил қилишга кўмаклашиш, амалга оширилаётган ислоҳотларни поёнига етказиш учун бутун куч-ғайратни ишга солишдан иборатдир.

Вилоят фуқароларида, айниқса, ёш авлоддан юксак ватанпарварлик, миллий онг, тадбиркорлик, изланувчанлик, ташаббускорлик, янгиликка интилиш, умуминсоний ва ўзимизнинг шарқона одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилишни қарор топтиришда партия ташкилотимиз маҳаллий ҳокимият, жамоат ташкилотлари, биринчи навбатда, Ёшлар Иттифоқи бўлинмалари билан ҳамкорликда кенг тарғибот ишларини амалга оширмоқдалар. Меҳнат жамоаларида, ўқув юртлари, маданият масканлари, аҳоли истиқомат жойларида давра суҳбатлари, мулоқот соатлари каби муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кўппартиялилик шароитида партиямизнинг нафақат бугуни, балки эртанги тақдири ҳақида ўйлаш бизнинг олдимиздаги энг зарур тадбирлардан биридир. Шунинг учун партиямиз сафини янада ўстириш, унинг ташкилий тизимини мустаҳкамлашнинг муҳим гаровларидан бири — партия ташкилотларимизни ҳудудий ташкилотлар тарзида ташкил этишдан иборат, деб ўйлаймиз. Бунинг маъноси шуки, партия ташкилотларимиз асосан аҳоли истиқомат қиладиган маҳалла, қишлоқларда ўз мавқеларини мустаҳкамлашлари зарур.

Президентимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни, мамлакатимиз ҳамда вилоятимиз ҳаётининг муҳим масалаларига бағишланган воқеаларни аҳолига кенг тушунтириш учун ойига бир марта вилоятимизда «Маърифат куни» ўтказишни йўлга қўйиш бўйича чора -тадбирлар кўрмоқдамиз.

Н. ЁДГОРОВ,
Қоракўл туман партия кенгаши биринчи котиби:

— Бизда қўшни туманларга қараганда саноат корхоналари кўпроқ бўлса-да, лекин халқ хўжалигида ишловчиларнинг кўпчилигини деҳқонлар ташкил қилади. Биласизлар, жамоа хўжалиги аъзоларининг иш минимуми 200—250 кун қилиб белгиланган. Бунга бозор кунлари ва байрамларни ҳам қўшганда 25-30 кунни ташкил қилади. Бир йилимиз 365 кун бўладиган бўлса, деҳқон камида 2 ой, кўпчилик хўжаликларда эса қиш пайтлари иш топилмасдан, ҳатто 3-4 ойлаб ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда мажбурий бекор туриб қолади. Табиийки, шу ойларда маош ҳам олинмайди. Шуларни ҳисобга олиб, биз 1993 йилнинг охирига келиб, агар жамоа хўжалиги ўз аъзосига иш топиб бера олмаса, у мажбурий бекор қоладиган бўлса, хўжаликни шу аъзога мажбурий бекор қолган кунлари учун компенсация тўлаши лозимлиги ҳақидаги масалани туман агросаноат уюшмаси олдига қўйдик. Партия ташкилотининг таклифи ўринли, деб топилиб, ижобий ҳал қилинди.

О. МАТНИЁЗОВ,
Тахтакўпир туман партия кенгаши биринчи котиби Бухородаги минтақавий семинар-кенгаш ҳақида:

— Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ташаббуси билан жойларда минтақавий семинарлар ўтказилганлиги биз котиблар учун кутилган воқеа бўлди. У иш режамизни шу кун талаби асосида бойитиб олишга имкон яратди. Ахир, қўшни вилоятлардаги туман, шаҳар партия кенгашлари иш тажрибаси билан ўртоқлашиш орқали муштарак мақсадлар йўлида ҳаракат қилишга нима етсин.

Минтақавий семинарнинг яна бир ютуғи — унда партия фаолларини мумкин қадар кўпроқ омма орасида бўлишга даъват этилди.

ЎзХДП рақамларда

Ёшларни партияга қабул қилиш анча ўсди. Бир йил ичида 20.317 нафар 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар партия аъзоси бўлишди. Бу, 1993 йилдагига нисбатан 4820 кишига кўпдир.

* * *

Ўзбекистон ХДП аъзоларининг деярли 40 фоизи олий маълумотга эга. Улар орасида 266 фан доктори ва 1350 фан номзоди, фанлар академияларининг ўнлаб аъзолари, кўплаб адиблар, журналистлар, санъаткорлар, профессор-ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари бор.

* * *

ХДП сафларида Ўзбекистонда истиқомат қилувчи аксарият миллат вакиллари бор.

* * *

Ўзбекистон ХДП республика Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига ўтказилган сайловларда салмоқли ютуқларга эришди. Ҳозир мамлакат парламентида партиямиздан сайланган 68 нафар депутат иш олиб бормоқда. У — Олий Мажлисдаги энг катта партиявий фракциядир.

* * *

ХДП вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлари орасида қарийб 37, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланганлар ичида 48 фоиздан кўпроғини ташкил этадилар.

Сўз— семинар - кенгаш иштирокчиларига!

Турсунбой РАҲИМОВ, Олтиариқ туман партия кенгашининг биринчи котиби: — **Очиғини айтиш керак, туман ҳокимлиги билан ҳамкорлигимиз жуда яхши. Ўзаро ҳамкорлик асосида бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, муваффақиятлар қозоняпмиз. Биз ўз фаолиятимизни Ўзбекистон танлаган ислоҳотлар йўли тўғри йўл эканлигини Президентимизнинг фармонлари, партиямиз Низоми ва Дастури асосида белгилаб, шу аснода иш олиб бориш билан бирга халқ хўжалигини юксалтиришга бевосита ҳисса қўшишни бош вазифа қилиб олганмиз. Жумладан, чорвачилик ва пиллачилик — партия оталиғида.**

Давлатимизнинг дон мустақиллигини таъминлаш бўйича олиб бораётган ҳаракатидан келиб чиқиб, уни йиғиштириб олишдаги ташкилотчиликни туман партия кенгаши ўз зиммасига олди. Туманимизда ғалла штаби ишини ҳам партиямиз фаоллари бошқармоқда. Донни нест-нобуд қилмай, сифатли йиғиб олган илғорларга туман партия кенгашининг мукофотлари ва фахрий ёрлиқлари берилади.

Йўлдош ОТАНАЗАРОВ, Қўшкўпир туман партия кенгашининг биринчи котиби: — **Халқимиз куч бирликда, ҳамжиҳатликда, деб бежиз айтмаган. Шунинг учун ҳам туман ҳокимлиги, депутатлар ва барча жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашни мақсад қилиб қўйганмиз.**

Биргаликдаги ҳаракатнинг чексиз имкониятлари, айниқса, оммавий ва анъанавий умумхалқ тантаналарини ўтказишда намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик натижалари боис партиямиз нуфузи ошиб боряпти.

Ҳудудий партия ташкилотларининг ташкил этилиши ва уларга фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг котиб этиб сайланиши ўзаро алоқаларни янги бир босқичга кўтарди.

Олдимизда турган вазифалар, амалга оширилиши керак бўлган тадбирларнинг поёни йўқ. Жамиятимиз тараққиётининг истиқболлари учун масъулиятни ўз зиммамизга олган эканмиз, бу йўлда биздан ниманики талаб қилинса, уларни бажаришга қодир бўлмоғимиз керак. Шу йўлда сира толмаймиз ва шу йўлдан сира тоймаймиз, деб ишонаман.

Андижон шаҳри: Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари

Расулжон МУХТОРОВ,
Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши биринчи котиби:

— Вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари бошланғич партия ташкилотлари ишчанлигини ошириш масаласига эътиборни кучайтирмоқдалар. Чунки, бугунги кўппартиялилик ҳаётимизга сингиб бораётган даврда бошланғич партия ташкилоти том маънода ўз фаолиятини яхшилаши керак. Шуни ҳисобга олиб, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ижроия бюро йиғилишларининг деярли барчаси кўчма усулда, яъни фаолияти ўрганилган ташкилотларда, партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокида ўтказилмоқда. Бу эса олиб борилаётган ишларнинг янада самарали бўлишига, партиявий таъсир кўламини оширишга хизмат қилмоқда.

Вилоятда 1094 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, улардан 284 таси ҳудудий асосда тузилган. Ўтган сайловларга тайёргарлик давомида 89 та янги бошланғич, шу жумладан 48 та ҳудудий партия ташкилотлари ташкил этилди.

Ҳайитбой Ҳотамов бошлиқ кўп тармоқли фермер хўжалигида бутун оила аъзолари (улар 7 нафардан иборат) партияга кирдилар.

Комсомолобод туманидаги «Тўрттол» фермер хўжалигида бир йўла 12 нафар ёшлар ўз тақдирларини ХДП билан боғладилар.

Ҳар бир бошланғич партия ташкилотида «Маърифат марказi» деб номланган партия хоналарини ташкил этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Вилоят партия кенгаши ижроия бюро қарори билан «Маърифат марказ»лари кўрик танлови эълон қилинган. Унинг низоми ишлаб чиқилган. Танлов якунига кўра, ғолибларга махсус дипломлар топширилади. 500 га яқин шундай марказлар бошланғич партия ташкилотларида ишлаб турибди.

Меҳнаткашлар ўртасида тарғибот ишларини амалга оширишда аҳоли истиқомат жойларида тузилган ҳудудий партия ташкилотларига жиддий эътибор берилмоқда. Ҳудудий партия ташкилотлари иш олиб борган жойларда партия томонидан қўйилган барча номзодларнинг сайловларда ютиб чиққани ҳам бунинг исботидир.

Нозимжон ҚОЗОҚОВ,
Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби:

— Бизнинг вияоятдаги 932 та бошланғич партия ташкилотларининг 260 таси бугунгача аҳоли истиқомат жойларида, маҳаллаларда ҳудудий асосда фаолият кўрсатмоқда. Ҳудудий партия ташкилотларимиз сон жиҳатдан кам бўлса-да (28 фоиз), уларда 16070 нафар партия аъзолари ҳисобда туришади. Бу партия ташкилотимиз ҳисобида турувчи партиямиз аъзоларининг салкам 50 фоизини ташкил этмоқда. Бироқ, биз бу кўрсаткичдан қониқа олмаймиз. Ҳозирги кўппартиялилик шароитида асосий эътиборни кўпроқ аҳоли истиқомат жойларида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, янгиларини очишга қаратмоқдамиз. Шу йилнинг 5 ойи якуни бўйича 5 та ҳудудий партия ташкилотларини қайтадан туздик.

Вилоят партия кенгашининг пленумлари, ижроия бюро йиғилишларига, масаланинг моҳиятига қараб кенгайтирилган ҳолда, йирик бошланғич партия ташкилотларининг котибларини, партия фаолларини, ХДП аъзоси — раҳбарларни ҳам таклиф этиш одат тусига кирган. Уларни кўриладиган масалаларни тайёрлаш ишларига ҳам жалб қилмоқдамиз. Шунингдек, пленум ва ижроия бюро масалаларига ташкилот ёки шахснинг фаолиятини ўрганиш жараёнида улар олиб бораётган ишлар юзасидан аҳоли ўртасида сўров ўтказиш тажрибасини ҳам қўллаб-қувватламоқдамиз. Жумладан, бундай сўровлар Мингбулоқ туман партия кенгашининг аҳоли истиқомат жойларида партиявий таъсирни кучайтириш борасида олиб бораётган ишларини ўрганиш жараёнида ўтказилди. Мазкур сўровлар натижаларига кўра муаммоли масалалар аниқланиб, уларни умумлаштирган ҳолда, тегишли равишда шаҳар, туман партия кенгашларига ва ХДП аъзолари — ҳокимларга зарур тавсиялар берилди.

Таассурот

Гулнора МАЪРУФОВА,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши иккинчи котиби:

— Минтақавий семинар кенгаш бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга арзирли ёрдам беради. Бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалоловнинг маърузасида аниқ фикр ва йўл-йўриқлар баён этилди. Маҳаллалардаги ХДП ҳудудий бошланғич ташкилотларининг ишини шу кун талаблари даражасига кўтаришда қўшни вилоят, шаҳар ва туманларда тўпланган тажрибалар қатнашчилар мулки бўлиб қолди. Айниқса, ХДП Андижон шаҳар кенгаши маҳаллаларда ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришда ўрганса арзийдиган тадбирларни амалга оширганлигининг гувоҳи бўлдик. Мисол учун «Яхши» маҳалласи ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби Маҳмудхон Қодировнинг тажрибаси оммалаштиришга арзийди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ашурали ота Сиддиқов, маҳалла қўмитаси раиси Тожиддин ака Қурбоновларнинг ХДП аъзоси сифатида олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ.

Абдурашид МИРСАЛИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиби:

— Вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари кейинги йилларда бошланғич партия ташкилоти котиблари ўқувини ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Вилоят ҳамда Олтиариқ туман кенгашлари қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари котибларининг «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш — давр талаби» мавзусида ўтказган бир кунлик семинар — кенгаши партия фаолларига амалий ёрдам берди.

Биз ана шундай семинарни яқин кунларда саноат, қурилиш, алоқа ва транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилотларимиз котиблари билан ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Котиблар ўқуви барча туман, шаҳар кенгашларида «Котиблар куни», «Котиблар семинари» тариқасида ойда бир марта мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Фарғона, Марғилон шаҳар, Тошлоқ туман кенгашлари ички партиявий, тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиб, котибларга ёрдам бермоқдалар.

Бешариқ, Фарғона туман кенгашлари бошланғич партия ташкилотлари котибларининг кўчма семинарларини ўтказиб, маҳаллий мисоллар, жойлардаги ишлар билан бевосита танишув асосида ўқувнинг қизиқарли бўлишига ҳаракат қилмоқдалар.

Маълумки, кейинги йилларда ҳудудий партия ташкилотларига аҳамият кучайди. Уларнинг сони 60 тага кўпайди. Бу масалада вилоятимиздаги Қўқон, Марғилон шаҳар, Олтиариқ, Бувайда, Тошлоқ туманлари маҳалла ҳудудий партия ташкилотлари миллий мафкурамизни тарғиб қилишда, бўлиб ўтган сайлов ва референдумни ташкил этишда юксак натижаларга эришдилар.

Ўзбекистон туманида ҳозирги кунда 39 та ҳудудий партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқдаки, уларнинг фаоллиги, айниқса, сайловлар даврида яққол кўринди. Партиядан вилоят Кенгаши депутатлигига кўрсатилган учала номзод тўла ғалаба қозондилар, туман кенгашига ҳам кўзда тутилган миқдорда депутатлар партия рўйхатидан ўтди. Туман ҳудудий партия ташкилотлари маҳалла хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Энг яхши маҳалла» мавзусида кўрик-танлов ташкил этдилар.

Кўплаб ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари бошқа жамоат уюшмалари ва давлат идоралари билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Марғилон шаҳридаги «Ёрқин» маҳалла партия ташкилоти зиёлилар илмий-маърифий уюшмаси шаҳар бўлими, Ёшлар Иттифоқи шаҳар қўмитаси, прокуратура, хотин-қизлар шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда турли мавзуларда учрашув ва суҳбатлар ўтказиб келмоқдалар.

Жамоа хўжаликлари бошқаруви раислигига 20 дан ортиқ бошланғич партия ташкилоти котибларининг сайланиши бу борадаги ишимизнинг маҳсулидир.

Тошлоқ, Олтиариқ, Бешариқ, Бағдод, Данғара, Қува, Ўзбекистон туман кенгашлари раҳбарлик лавозимига қўйиладиган номзодларни партия йиғилишларида кўриб чиқишни одат тусига киритдилар, ХДП аъзоси бўлган раҳбарлар ҳисобини ижроия бюро мажлисларида, партия йиғилишларида мунтазам эшитиб борилмоқда.

Ички партиявий ишнинг муҳим қирраларидан бўлиб келган партия бюджетини яратишга бошланғич партия ташкилотлари ҳозирги қийин шароитда анча қатъият билан иш олиб бормоқдалар.

Қува туманидаги соғлиқни сақлаш бўлими, халқ таълими бўлими ва «Иброҳимбек» тикувчилик ҳиссадорлик жамиятлари бошланғич партия ташкилотлари партия бюджетини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Улар интизомни мустаҳкамлаш, партиявий ишларни янги шароитларга мослаб бориш, умуман, меҳнат жамоаларида партия нуфузини ошириш мақсадида маош оладиган партия ташкилоти котиблигини жорий этишни режалаштириб иш олиб бормоқдалар. Ҳозирги кунда юқоридаги жамоаларда ўз тақдирини ХДП билан боғлаётганлар сафи кун сайин кўпаймоқда.

М. ҲОЖИЕВ,
Норин туман партия кенгаши биринчи котиби, Андижон шаҳрида бўлиб ўтган семинар-кенгаш иштирокчиси:

— Ҳудудий партия ташкилотларининг афзалликлари ўтган сайловларда қўл келди. Барча маҳалла партия ташкилотларини тегишли сайлов округлари доирасида тузилганлиги номзод кўрсатиш ва уларнинг ғалабасини таъминлашга қаратилган тадбирларда фаол ишлаш имконини берди. Ҳудудий бошланғич партия ташкилотларимиз турли даражадаги Кенгашларга ўз номзодларини муҳокама этиб, шаҳар Кенгашига 30 нафар, туман Кенгашига 28 нафар, вилоят Кенгашига эса 4 нафар номзодни тавсия этдилар. Ҳар бир маҳалланинг гавжум жойларида, чойхоналарда ўз номзодларини тарғиб этувчи плакатлар, учрашувлар ташкил этилди. Натижада, шаҳар Кенгашида 50 фоиз, туман Кенгашида қарийб 40 фоиз ўринга номзодларимизни ўтказишга эришилди.

xxx

Шунингдек, бўлиб ўтган семинар-кенгашларда партиямизнинг фаолларидан К. Юсупалиев (Гулистон), М. Иномов (Жиззах), Р. Рўзметов (Амударё), З. Шокирова (Андижон), С. Раҳимов (Ўзбекистон), М. Туробов (Қарши), Ш. Асомов (Собир Раҳимов), И. Холиқов (Қизириқ), А. Юсупов (Каттақўрғон) ва А. Раҳимов (Мингбулоқ) туманлари котиблари ҳам ўз мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Қўш саҳифа материалларини «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари Салим АШУРОВ ва Эркин ЭСИРГАДИЕВ тайёрлади.

Боболаринг аноийи эмас...

Маънавий меросимизни қанча кўп ўргансак, шунча камдек. Боиси, Туронзамин олиму фузалолари қаламига мансуб манбаъларда ҳали кўз кўриб, қулоқ эшитмаган илму ҳикмат мужассам. Машойиҳлар таъбири билан айтганда: боболаринг аноийи эмас, гумбирлаб яшаган — минғирлаб эмас.

Биз янги рукн остида қадриятларимиз — туркона одоб, ҳунар, табобат, қўлёзма, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид ривояту ҳикоятларни бериб боришни лозим топдик. Туркум мақолаларни танлаш ва тайёрлаш таниқли шарқшунос олим Маҳмуд ҲАСАНИЙ тасарруфида бўлади. Бугун Ас-Саъиду-С-Самарқандийнинг «Жонзотларнинг тиббий хосиятлари» китобидан олинган лавҳа билан танишасиз.

ХАЙЛ — ОТ

Форсий асб, туркий отдир.

Расул алайҳиссалом демишларким, малойика ҳеч ўйиннинг томошасига келмас, магар эр билан хотун ўйнасалар ва от чопсалар ва нишонга отсалар, бу уч ерга малойикалар томоша қилурлар.

Ва уламо дебдурларким, тоб бўлғон отнинг чопар манзили уч фарсангдур (6,7 км) ва тоб бўлмағон отнинг манзили бир фарсангдур.

Ва отни Худойи таборак ва таъоло қибла шамолидин халқ (пайдо) қилибдур ва онинг хилқати (яратилиши) Ҳазрати Одам алайҳиссаломдин аввалдур, нечунким отнинг хилқати панжшанба куни ва Одам алайҳиссаломнинг хилқати жума куни намози дигар (аср)дин сўнг.

Ва аввал отга минган киши Ҳазрати Исмоил алайҳиссалом эдилар. Андин бурун от ваҳший (ёввойи) эрди. Ва анинг баёни бу ким, чун Исмоил алайҳиссалом Каъбани бино қилди, Худойи таъоло ажрига (эвазига) отни ато қилди.

Расул алайҳиссалом демишларким: «Аввал хотунни севарман, сўнг отни». Ва яна Ҳадисда келибдурким, чун Искандар Зулқарнайн оби ҳаёт учун зулумотга кирар бўлғонда одамлардин сўрдиким: «Ҳайвонларидин қайси ҳайвон оқшомди яхши кўрар?» Дедиларким: «От яхши кўрар». Ва яна сўрадиким: «Отни қайси нави яхши кўрар?». Дедиларким: «Байтал». Ва яна сўрадиким: «Байтал не сифатда яхши кўрар?». Дедиларким: «Байталнинг бакорати (ҳали туғмагани) яхши кўрар».

Расул алайҳиссаломнинг отлари бор эрди. Ва Ҳадисда келибдурким: «Ҳеч оқшом йўққким, магар от бу дуони ўқимағай. Дуо будир: «Рабби, иннака, саххартани, ли-ибни Одама ва жаъалта ризқи фи-ядиҳи. Аллоҳумма, фа-жъални аҳоббу алайҳи». (Парвардигорим, мени Одам фарзандига бўйсундирдинг ва рисқимни унга боғладинг. Эй Худавандо, бас, мени унга севимли қил!).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодин ривоят буким, ҳар вақтики лашкар бир-бирига рўбарў бўлсалар, от бу дуони ўқур: «Суббуҳун, Қуддусун, Раббу-л-малоикати ва-р-Рух» (Улуғ мақтовларга лойиқ ва Муқаддасдур (Аллоҳ), у барча фаришталар ва Руҳнинг парвардигоридур).

Ва отнинг арабийси ва ғайри арабийси шарофатда баробардурлар.

Ҳофиз Шарофиддин Дамётий ўз китобида демишдурким: «Ҳар уйга от боғланиб, турғон бўлса, ул уйга шайтон келмастур».

Аммо ул ривоятиким, Ҳазрати Сулаймон алайҳиссалом отлар томошасида намозларин қазо қилиб, бу сабабдин отларга ғазаб қилиб, ёл ва қуйруғини кесмишлар, демишларки бу сўз тафсир (Қуръон шарҳи)га муҳолиф (терс)дур. Агар иштибоҳ қилғон киши бўлса, бу оятни тафсирини кўрсун. Қавлуҳу таъоло, «Фатафақа масҳан би-с-суқи ва-л-аъноқ». Фи-сурати «Сод» («Сод» сурасида).

Шатранж оламида

ТОЖДОРУ МАЛИКАЛИК ИЛИНЖИДА

• ХАЛҚАРО шахмат федерацияси таркибига кирувчи мамлакатлар 150 дан ортиқ бўлиб, улар бир қанча минтақаларга бўлинган. Ана шулардан бири Марказий Осиё минтақаси бўлиб, унга Мўғилистон шахматчилари ҳам киради.

Шу кунларда Тошкентдаги марказий зобитлар уйида жаҳон шахсий биринчилигининг минтақавий турнири қизғин давом этмоқда. Эркаклар ўртасида ҳам, аёллар мусобақасида ҳам 13 нафардан забардаст шахматчи иштирок этмоқда. Улар сафида икки нафар халқаро гроссмейстер, 20 нафардан зиёд халқаро ҳамда миллий спорт усталари ўзаро дона сурмоқдалар.

Биринчи куни ўйналган А. Ненашев — Х. Одеев партиясида ғалати вазият юзага келди. Ўйин ўрталарида Ненашевнинг шоҳи муайян тазйиқ остида рақиб шоҳи қароргоҳига кириб боришга мажбур бўлди. Тахтада ҳам фарзинларнинг ҳаракат қилиб турганлиги туфайли ҳар бир юришдан сўнг Ненашевнинг шоҳи мот исканжасига тушадигандек эди. Бироқ тажрибали гроссмейстер олдиндан бунинг ҳисоб-китобини чиқариб турганлиги унга тез орада вазиятни чигалликдан соддаликка алмаштириш, бинобарин хиёл устунлик билан ўйинни кечиктириш имконини берди.

Республикамизнинг кўп марта чемпиони А. Ненашев иккинчи турда ҳамшаҳри В. Егинни, учинчи турда эса қирғизистонлик халқаро мастер Т. Имоналиевни енгиб, турнир жадвалининг юқорисига ўтиб олди. Шунингдек, ҳамюртларимиздан С. Йўлдошев билан Т. Воҳидов ҳам иккитадан очкога эга.

Аёллар мусобақасида кураш яна ҳам кескин ўзгарди. Қозоғистонлик халқаро мастер Татьяна Сергеева аввал тошкентлик А. Хаайни, кейин мўғилистонлик Мажиг Суренни ва Тилинбаевани ютиб, юз фоизли натижа билан пешқадамлик қилмоқда. Ўзбекистоннинг тўрт карра чемпиони, халқаро мастер Ольга Ким икки очко жамғарди. Мусобақалар икки ҳафтадан мўлроқ давом этади. Шартга кўра иккала турнирнинг биттадан ғолиби жаҳон биринчилигининг минтақалараро турнирига йўлланма олади. Уларни катта пул мукофоти ҳам кутмоқда. Мусобақада ўйналаётган партиялар малакали шахматчилар учун ҳам ўзига хос сабоқ вазифасини ўташи мумкин. Бунинг учун турнир мутасаддилари уларни зудлик билан чоп этиб, иштирокчиларга етказиш тараддудини кўрмоқдалар.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
мусобақа бош ҳаками.

Ие, ўйғ-е, нахотки!?

КАСКАДЁРНИНГ ОРЗУСИ

КРИВОЙ-роглик спорт устаси, каскадёр Виталий Бондар Киевдан Лондонгача мотоциклни тикка турган ҳолда ҳайдаб боришга аҳд қилди.

Марра — Лондондаги Гиннеснинг штаб квартираси. Шу иш билан Виталий Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га номини киритмоқчи.

У шу йил август ойида йўлга чиқиб, бир ой давомида маррага етиб бормоқчи.

ДАРАХТГА «ҚЎНГАН» ВЕРТОЛЁТ

ПЕРУ ҳарбий ҳаво кучлари зобити Хулио Себастьяно Рисалнинг омади бор экан. Негаки, учиб кетаётган пайтида вертолётнинг парраги чил-чил синиб кетган бўлса-да, унга шикаст етмади. Тасодифни қарангки, вертолёт баланд дарахт тепасига «ўтириб» қолди.

Аммо учувчи вертолётни дарахт тепасида қолдириб кетишга имкон тополмади. Чунки салгина ножўя ҳаракат вертолёт мувозанатини бузиши, натижада ерга қулаши мумкин эди. Шунинг учун Рисалга вертолёт кабинасида дарахт шохларининг тебранишига маҳлиё бўлиб, узоқ вақт қимирламай ўтиришга тўғри келди. Уч соатдан кейингина қутқарувчилар учувчининг жонига аро киришди.

"МУСТАҚИЛЛИК"

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
МАРКАЗИЙ БАНК,
ЖАМҒАРМА БАНКИ,
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКСАВДО,
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 3

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 "Жараён".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. "Ўзбек киноси саҳифаларида".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Миллионлар минбари".
22.00 Театр учрашувлари. Ў. Умарбеков. Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрининг "Фотима ва Зуҳра" спектакли ҳақида.
23.00 Эълонлар.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Таҳлил".
19.10 "Бу бўстон аро...".
19.45 "Спорт-тайм".
20.15 — 21.50 "Оқ бўрилар". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ, РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.10 "Тиғиз пайт".
18.35 "Куйини топинг". Телеўйин.
19.05 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".

*

20.40 "Репортёр".
20.55 "Давр дарёси".
21.00 "Асл ҳолича".
22.00 "Вести".
22.25 — 23.25 "Формула-1" классидаги автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Франция Гран-приси. Маньи-Курдан кўрсатилади.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мульткарусель".
19.00 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

*

"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 "Салом, ёшлар!"
21.25 Жаҳон географияси.
22.15 Эълонлар.
22.20—24.00 Видео — "О".

СЕШАНБА, 4

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Ёз ҳикоялари". Бадиий фильм.
9.20 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".
10.00 Немис тили.
10.30 "Абитуриент-95". Физика.
11.00 Болалар учун. "Бу дамлар ўхшар эртакка".
11.30 "Истеъдод-95". Ёш хонандаларнинг кўрик-танлови.
12.10 — 12.40 "Бола бошидан...".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. "Қўғирчоқлар — менинг дўстларим".
18.50 Янги куйлар ва қўшиқлар.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Шеърий дақиқалар".
20.05 "Гул кўп, чаман кўп".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Бевосита мулоқот.
22.15 "Наримон ёхуд кинога бахшида умр". Кинокўрсатув.
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 Табиат дунёси.
19.20 "Мультфейерверк".
19.50 Янгиликлар.
19.55 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.15 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 Видеогид.
21.50 "Теле-ателье-шоу".
22.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 — 8.00 "Телетонг".

* * *

18.10 "Тиғиз пайт".
18.35 "Куйини топинг". Телеўйин.
19.05 "Мавзу".
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.40 "Вақт кутиб турмайди". Бадиий фильм. 1-серия.

*

22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 Тунги телесериал. "Океан". Бадиий фильм (Италия, Испания, Англия). 1-серия. 1-қисм.
23.30 — 23.40 Криминал хабарлар экрани.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Олам ва инсон".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.00 "Соккер-клуб".
21.45—21.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 5

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Болалар учун фильм. "Кўксерик".
9.30 Алифбо сабоқлари.
10.00 "Ўсмир ва қонун".
10.30 "Абитуриент-95". Математика.
11.00 "Қўшиқ билан кўнгил покланур". Қорақалпоғистон телевидениесининг кўрсатуви.
11.35 — 13.35 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.30 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Улкан оқин". Абай таваллудининг 150 йиллигига.
22.05 Ўзбекистон халқ артисти Олмахон Ҳайитова куйлайди.
22.40 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 4-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Ҳайвонот оламида".
18.50 "Янги иқтисод".
19.20 "Саломат бўлинг!".
20.00 "Мусиқий меҳмонхона".
21.00 "Тошкент оқшомида".
22.00 — 23.40 "Кинематограф".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 — 8.00 "Телетонг".

* * *

18.10 "Тиғиз пайт".
18.35 "Куйини топинг". Телеўйин.
19.05 1995 йил қўшиқлари.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".

*

20.40 "Рег-тайм".
21.00 "Губернаторлар клуби".
21.40 Криминал хабарлар экрани.
21.55 "Давр дарёси".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 — 23.20 Тунги телесериал. "Океан". Бадиий фильм. 1-серия. 2-қисм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мульткарусель".
19.00 "Кашф этилаётган имкониятлар".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

*

"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45—23.45 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Ўғил бола гап". Бадиий фильм.
9.30 Инглиз тили.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Оқар дарёлар".
10.50 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.
11.20 "Юнус Ражабий". Телефильм.
11.50 "Табиат шайдолари".
12.20 — 13.20 "Санъат маскани". М. Уйғур номидаги Санъат институтининг 50 йиллигига.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Хазинамиз таянчи".
18.55 "Тилга эътибор".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Чанг тароналари.
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Олтин мерос". Собир Абдулла.
22.15 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 5-қисм.
23.00 Эълонлар.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Теле-ателье-шоу".
19.10 Янгиликлар.
19.15 Видео янгиликлари.
19.35 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 — 22.50 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 — 8.00 "Телетонг".

* * *

18.10 "Тиғиз пайт".
18.35 "Жаз оламида".
19.05 "Маҳбубалар". Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".

*

20.40 "Давр дарёси".
20.50 РТР таништиради: "Елена Великая".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.30 — 23.10 Бутунроссия қизиқчилар фестивали.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Ишбилармон".
19.15 Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дўстларимиз сайёраси".
20.20 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20—22.05 "Юксалиш".

ЖУМА, 7

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Азизам, меҳрибоним онам..." Бадиий фильм.
9.25 Немис тили.
9.55 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
10.45 "Қирқ ҳунар ҳам оз".
11.15 А. Ёқубов. "Ҳукм". Телеспектакль.
12.05 Дутор ва танбур тароналари.
12.35 "Ҳуқуқингизни биласизми?".
13.05 — 13.35 "Болалар меҳмонхонаси".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида".
18.50 "Маърифат бешиги".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Меҳнат аҳли". Акмал Пўлат лирикаси.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Ёшлик" студияси. "Гап йўқ".
22.30 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 6-қисм.
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.00 "5+1". Ўсмирлар учун кўрсатув.
19.30 "Билиб қўйган яхши".
19.55 Каратэ-до бўйича Тошкент шаҳар чемпионати.
20.15 "Бизнес-академия".
20.40 Жаҳон киносининг 100 йиллигига. "Чет эл киноси юлдузлари".
21.20 — 22.00 "Цирк майдонида".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 — 8.00 "Телетонг".

* * *

18.10 "Ёввойи дала".
18.30 "Инсон ва қонун".
19.00 "Мўъжизалар майдони".
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".

*

20.40 "Жентльмен-шоу".
21.00 "Давр дарёси".
21.05 "К-2" таништиради: "Сюжет".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.40 — 00.10 Киномарафон. "Биз ва бизнинг тоғларимиз". Бадиий фильм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мульткарусель".
18.55 Телефильм.
19.05 "Ёшлик" студияси. "Янгроқ созим".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

*

"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 Дэвид Копперфильд. "Афсунгарлик билан 15 йил".
21.20 "Панорама".
21.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 "Даракчи".
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.05 Видео — "О".

ШАНБА, 8

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Чукотка бошлиғи". Бадиий фильм.
9.30 "Оламни асранг!".
10.00 "Театр ва болалар". Мунозарали кўрсатув.
10.40 "Чорраҳа".
11.10 "Нигоҳ".
11.55 "Ҳужжатли фильм экрани".
12.35 "Қувноқ стартлар".
13.35 — 14.15 "Дил номалари". Мусиқий кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. "Бир сиқим тупроқ".
18.35 Спорт хабарномаси.
18.50 Хонанда Абдулҳай Каримов куйлайди.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Санъат олами".
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда".
22.05 "Ватанни севмоқ иймондандур".
23.05 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
23.15 Эълонлар.
23.20 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

9.00 Табиат дунёси.
9.50 "Мультфейерверк".
10.20 Янгиликлар.
10.25 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.45 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.00 Видеогид.
12.20 "Теле-ателье-шоу".
12.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
13.10 "Кинонигоҳ".
14.50—18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Оқ соя".
19.40 "Саломатлик — туман бойлик".
20.25—22.15 "Кинематограф".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.15 Э.Молинаронинг "Менинг Бенжамен тоғам" кинокомедияси (Франция).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.45 "Вақт кутиб турмайди". Бадиий фильм. 2-серия

*

22.00 "Вести".
22.25 "Жипси Кингс Москвада".
23.20 "Давр дарёси".
23.25 — 00.25 "Петербург мавсумлари".

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Дўстлик сарҳад билмайди".
10.30 — 11.00 "Ёшлик" студияси. "Аскар мактублари".

* * *

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Рангинкамон" (тожик тилида).
20.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.40 "Ўзбекистон — умумий уйимиз".
21.10 "Кўнгил кўприклари".
21.50 "Деҳқон даладан қайтди".
22.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
23.00—23.20 "Бу ажиб дунё".

ЯКШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.30 "Шоҳруҳ" клуби.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Ўзбектелефильм" кўрсатади. "Тошкент".
11.30 "Болалигим—пошшолигим". Видеоканал.
13.30—14.30 "Қишлоқ ҳаёти".

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Қўшиғим, жон қўшиғим".
18.40 "Оламга саёҳат". Кинокўрсатув.
19.05 "Ойнаи жаҳонда...".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Якшанба оқшомида".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 "Мозийга бир назар".
22.05 "Тимсол" видеоканали.
23.35 Эълонлар.
23.40—00.10 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Теле-ателье-шоу".
10.40 Янгиликлар.
10.45 Видео янгиликлари.
11.05 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.40—14.20 "Кинонигоҳ".

* * *

17.00 "Совға".
17.30 Жаҳон географияси.
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео —"0".
20.05 Эълонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "...яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Авто-клуб".
21.30 "Машҳур кишилар клуби". М. Матье.
22.10 Эълонлар.
22.15 "Даракчи".
22.25 Эълонлар.
22.30—00.10 Видео —"0".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 "Юзма-юз". Кўрсатувни А. Любимов олиб боради.
18.30 "Санамлар, санамлар...". Хулио Иглесиас.
19.25 Пьер Ришар "Альфреднинг бахтсизлиги" кинокомедиясида (Франция).
21.00 "Якшанба".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25 "Давр дарёси".
22.30 — 23.30 Волейбол. Жаҳон лигаси. Италия — Россия. Бразилиядан кўрсатилади.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Аэробика.
9.15 "Жонли сайёра".
9.35 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!" Мультфильм.
10.15 "Коллекция".
10.35 "Менинг кўчам".
10.50 Эртакларнинг сеҳрли олами.
12.35—12.45 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.10 "Подиум".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Ташрифлар ва таклифлар".
20.30 "Ҳамкорлик—тараққиёт нишонаси". Туркия.
21.05 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.05 "Ёшлик" студияси. "Гул ва ..."
22.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.45 "Бу ажиб дунё".
23.05—23.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

Ўзбекистон Сув хўжалиги қурилиши давлат концернига қарашли «Ўзсувқурилишнақлиёт» республика автомобиль нақлиёти ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори Б. Қ. Алимовга ўғли

Ихтиёр АЛИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
• Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0286.

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11;
Бухорода -- 3-54-87;
Гулистонда -- 2-26-22;
Жиззахда -- 3-31-86;
Навоийда -- 3-75-43;
Наманганда --6-43-43;
Нукусда -- 7-58-83;
Самарқандда -- 35-22-90;
Тошкентда-- 33-54-55;
Урганчда -- 6-51-35;
Фарғонада -- 26-37-16;
Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21. 50

1 2 3 4 5 6.